

# Баҳорий байрамлар муборак!

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

## Ziyo chashmasi



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 3 (242) 2016 YIL 21 MART

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

### ХАБАРАТ

#### Ҳисобот тингланди

Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ЁИХ низомига мувофиқ институтимиз бошланғич ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда бошланғич ташкилот етакчиси З. Ҳожиметовнинг ўтган бир йил давомида амалга оширган ишлари юзасидан маърузаси тингланди, йиғилиш иштирокчиларининг музокаралари бўлиб ўтди. Шундан сўнг, янги муддатга бошланғич ташкилот етакчисини сайлаш масаласи кун тартибига қўйилди. Делегатлар бир овоздан З. Ҳожиметов номзодини янги муддатга қўллаб овоз бердилар.

Гулноза ИРИСЕВА,  
ҳисобот-сайлов  
йиғилиши делегати.

#### “Тенгдош-тенгдошга” тамойили асосида

Самарқанд Давлат чет тиллар институтида бир қанча тўғарақлар, клублар фаолият кўрсатиб келиши билан бирга фаол талабалар кўшни вилоятлардаги олий таълим муассасалари талабалари билан ҳам «Тенгдош-тенгдошга» тамойили асосида ҳамкорлик учрашувлари ва турли тадбирлар ўтказиб, таълим муассасасининг дарс машғулоти, маънавий ва маърифат бўлими ҳамда ахборот-ресурс маркази фаолияти билан яқиндан танишмоқдалар.

Иқтидорли талабаларни ўз бағрига олиб, кенг қўламли фаолият олиб бораётган «Мунозара дебат» клуби, «Ёш нотиклар» тўғараги аъзолари 15 март куни Жиззах Давлат педагогика институти Чет тиллар факультети талабалари билан танишдилар ва ўзаро тажриба алмашдилар. Институтимиз маънавий ва маърифат бўлими, ахборот-ресурс маркази фаолияти институтимизда Президент асарларини ўрганиш асосида «Кеча ким эди, бугун ким бўлди», эртага қандай марраларни эгаллашимиз керак?» мавзусида талабаларнинг чиқишлари ва баҳс-мунозаралари бўлиб ўтди.




Жиззах Давлат педагогика институти ва бу ерда таҳсил олаётган тенгдошларимиз билан танишув ва ўзаро тажриба алмашиш бизда ката таассурот қолдирди, - дейди Самарқанд Давлат чет тиллар институти 3 босқич талабаси, Навоий номидаги Давлат стипендияси совриндори Бобур Абдураazzoқов, - иқтидорли талабалар ва фаолият олиб бораётган клуб ва тўғарақлар ўртасидаги алоқаларни бундан буён янада мустақамлашга келишиб олдик.

Биз ана шундай ҳамкорлик учрашувларини Бухоро Давлат университети талабалари билан ҳам ўтказган эдик, бундай тадбирларни мамлакатимиздаги бошқа олий таълим муассасаларида яна давом эттириш ниятимиз бор, - деди Самарқанд Давлат чет тиллар институти ижтимоий фанлар кафедраси доценти Дилрабо Амридинова.

Тадбир давомида ҳар иккала олий таълим муассасаси фаолиятини ёритувчи слайдлар намойиш этилди ва қатор маърузалар тингланди, институтимиз ва унинг АРМ фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида саёҳат ташкил этилди. Жиззах Давлат педагогика институти илмий ишлар проректори М. Султонов, Чет тиллар факультети декани М. Қувватов иккала олий таълим муассасаси талабаларини Наврўз айёми билан табриқлаб, иқтидорли талабаларнинг ижодий ишларига муваффақиятлар тиладилар.

А. Шарипов.

## ЎАКАМИЗДА НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ



Мана 3000 йилдан ортиқроқ давр ўтаптики, Наврўз Марказий Осиё халқларининг энг гўзал байрамларидан бири сифатида нишонланиб келинмоқда. Бу йил ҳам мазкур миллий қадриятимиз халқимиз томонидан ўзгача кўтаринкилик билан қутиб олинди.

Шаҳримиздаги «Ёшлар шаҳарчаси»да байрам сайли ташкил этилди. Сайлгоҳда вилоятимизда фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасалар байрам сайли тадбирларини бирдамликда нишонладилар. Байрам учун ҳозирланган тўкин дастурхонга баҳорий таомлар - кўксомса-ю, буррақлар, сумалак ва ҳалимлар тортилди.

Байрам сайлида иштирок этган институтимиз факультетлари ўз жамоалари билан байрам дастурларини намойиш этишди. Айниқса, Мусиқий таълим йўналиши устозлари ва талабалари томонидан ижро қилинган куй ва кўшиқлар, Ўзбек тили ва адабиёти факультети доценти Аббос Турсунқулов бошчилигидаги талабаларнинг фольклор чиқишлари байрамга ўзгача кўтаринкилик бахш этди.

#### ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

4 март куни институтимиз маданият саройида «8 Март - Халқаро хотин қизлар куни» муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни очиб берган институтимиз ректори, профессор А. Холбеков аёл профессор-ўқитувчилар ва талаба-қизларни байрам билан муборакбод этар экан, институтимизда таълим самардорлигини ошириш ва сифат кўрсаткичларини юксак даражага кўтариш ишига муносиб ҳисса қўшаётган Б. Очилова, Ф. Аҳметшина, Ю. Каримова каби устозларнинг номларини мамнуният билан тилга олди.

Ўз маърузаси билан иштирок этган Тарих ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси Ф. Акчаев 8-Март байрами тарихига батафсил тўхталди.

Тадбирнинг бадний қисмида талабалар жамоаси томонидан тайёрланган концерт дастури иштирокчиларни хушнуд этди.

Зулфизар ТАШАНОВА,  
Инглиз тили ва адабиёти  
йўналиши талабаси.

Тушга яқин сайлгоҳга ташриф буюрган вилоятимиз ҳоқими С. Исмоилов ҳар бир жамоа олдида алоҳида тўхтаб, байрам иштирокчиларини энг улуг маънавий бойлигимиз - Наврўз айёми билан муборакбод этди.

Шундан сўнг тантаналар маркази Форум мажмуасига кўчди. Бунда вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Ўзбекнаво» миллий эстрада бирлашмаси Жиззах филиали ва вилоятимиздаги бир қатор маданият ва санъат муассасалари ҳамкорлигида ташкил этилган байрам дастури меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди. Вилоят ҳоқими С. Исмоилов Жиззах воҳаси аҳлини Наврўз байрами билан қизгин қутлади. Байрам тадбири давомида вилоятимиз ижодкорлари ва пойтахтдан келган меҳмон санъаткорлар ўз санъатларидан баҳраманд этидилар.

Байрам тантаналари кун давомида шаҳримиздаги барча сайлгоҳларда давом этди.

Акмал ИРИСЕВ,  
Ўзбек тили ва адабиёти  
йўналиши талабаси.

#### Институтимизда сумалак сайли

Халқимизда минг йилликлар давомида шаклланиб, сайқал топган анъаналар бисёр. Ана шундай гўзал удумларимиздан бири сумалак таомидир. Бу таом Шарқ халқларида муқаддаслаштирилган таом бўлиб, тинчлик-тотувлик, янги кунга ишонч, дўстлик, бағрикенглик каби умуминсоний фазилатлар рамзи саналади.

Маълумки, ҳар йили институтимизда сумалак сайли маънавий тадбири ўтказилиб келинади. Бу йил ҳам 19 март куни сумалак таоми тайёрланиб, институтимиз ошхонасида кенг нишонланди. Касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан фахрий устозлар билан бир пиёла чой устида гурунғ бўлиб ўтди. Дастурхонга яна бир миллий таомимиз палов тортилди. Йиғилганларни институтимиз ректори А. Холбеков байрам билан табриқлади.

Мана шундай бирдам-ҳамнафаслик, янгиланиш ва навқиронлик кайфиятини ўзида акс эттирувчи покиза удумлари билан халқимиз ҳар қанча ифтихор этса арзийди.

Гулҳаё ТАНГИРҚУЛОВА,  
Кимё йўналиши талабаси.



Шоғирлар устозлар ҳақида

Маънавият боғбони

Хаётда ўзгалар эришган ютуқлардан кувона олиш, уларга ҳавас қилиш ва ўша ютуқларни чин дилдан эътироф этиш ҳам иймондан...

масканида тарих музейи хонаси ташкил қилганлар. Бу хонада қадимий тарихга доир экаспонатлар даврийлик асосида жойлаштирилган...

Юнусованинг иш тажрибаси республика миқёсида оммалаштирилган. Устоз Шоира Юнусованинг бетакрор хислатларидан бири кексаларнинг ҳурматини, ёшларнинг иззатини жойига қўя билганлигидир...

Мардон СУЛТОНОВ, Тарих йўналиши талабаси.

2 март - Ўзбекистон Республикаси БМТга қабул қилинган кун

Халқаро эътироф

1992 йилнинг 2 мартда Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида қабул қилинганлиги тарих зар...

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти деганда кўпинча халқаро тинчликни сақлаш ёки ёрдамга муҳтож вазиятдаги ҳудудларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатувчи уюшмани тушунамиз. Бироқ унинг ҳаётимизга бевосита таъсир кўрсатаётган бошқа кўп...

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бутун инсоният учун бирдек бўлган муаммолар ҳал этиладиган жаҳон марказидир. Мазкур фаолият БМТ тизимини ташкил этувчи 30 дан ортиқ халқаро ташкилотнинг савий-ҳаракатлари натижасида амалга оширилади. БМТ ва унинг тизмидаги халқаро ташкилотлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, турли юқумли касалликларга қарши курашиш, тараққиётни барқарор этишга ёрдамлаш иш ва қашшоқликка қарши курашиш борасида кундан кун фаолроқ иш олиб бормоқда...

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1945 йил 24 октябрда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва ялпи хавфсизликни мустаҳкамлаш туфайли тинчликни барқарор этиш журъати билан тўлиб-тошган 51 мамлакат томонидан ташкил этилган. Бугунги кунда 185 мамлакат, яъни дунёнинг қарийиб барча давлатлари унга аъзо ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳам халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида БМТ аъзоси бўлиб, у билан инсон ҳуқуқлари бўйича 60 га яқин шартнома имзолаган.

БМТда 6 та бош орган мавжуд, улардан 5 таси - Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши ва Котибият БМТнинг Нью-Йоркдаги Марказий Қароргоҳида жойлашган. Олтинчи орган - Халқаро Суд эса Нидерландиянинг Гаага шаҳрида фаолият кўрсатади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзолари мустақил давлатлардир. Бир нарсани алоқиди таъкидлаш жоизки, БМТ бутунжаҳон ҳуқуқати эмас ва у жаҳон давлатлари учун мажбурий қонунлар қабул қилмайди. Бироқ халқаро можароларни бартараф этиш ва умумжаҳон аҳамиятига молик масалаларни ҳал этишда иштирок этади.


Ўзбекистон БМТга аъзо бўлгач унинг деярли барча лойиҳаларида фол иштирок этиб келаётир. Фақатгина НАТО халқаро ҳарбий блокига қўшилмаган, аммо тинчлик борасидаги лойиҳаларига ҳамкорлик қилади. Мустақиллик йилларида БМТ бош котиблари - Кофи Аннан ва Пан Ги Мунлар юртимизга ташриф буюришган. Тошкентда БМТ ваколатхонаси, Юнеско, Юнисеф, Бутунжаҳон Ахборот маркази каби филиаллар мавжуд.

Бутунжаҳон Ахборот маркази давлатимиз ҳокимияти органлари ва таълим муассасалари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради. Марказ уларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда БМТ фаолияти тўғрисида ахборотлар тақдим этади ва уларнинг БМТга тааллуқли ташаббус ва тадбирларини амалга ошириш учун кўмаклашади.

Ўтган йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 70 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланди. Худди шундай юбилей санаси 2011 йилда Бутун жаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган эди.

Бу йил ватанимиз халқаро ҳуқуқнинг тенг асосли субъекти сифатида БМТ аъзосига айланганлигига 24 йил тўлди. Бу кун том маънода мамлакатимизнинг жаҳон халқлари томонидан эътироф этилган тарихий санасидир. Утган давр мобайнида Ўзбекистон ўз шавкати билан бу эътирофга нақадар лойиқ эканлигини исботлай олди.

Расмий манбадар асосида тайёрланди.



ШУКРОНА

Эрта тонгда юмуш билан бозорга тушгандим. Тирикчиликнинг минг бир ташвишида кетаётсам, «Ором» бозорининг шундай кираверишида бир болакай каттақон саватда бойчечак, лола каби баҳор дарақчиларини сотаётган экан...

«Сочимда оқ, мен баҳордан ўтандим, Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим. Қор қўйнида сени кўмсаб ўқиндим, Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим...»

Чиндан ҳам бу чечакларга кимлардир етди, кимлар эса йўқ. Тинчи, осуда юртимизда мана шундай кўкликка ҳам етказди. Шу хаёллар кўнглимдан ўтар экан, ич-ичимдан шукроналик туйғуси тошиб чиқди.

Уйга келдим, шу мисралар қоғозга тўкилди. Юртдошларимни баҳор, янгилиниш байрами билан муборакбод этгим келди...

Яҳё КЕНЖАБЕК.

Наврўзи оғам муборак! Янгилиниш айёми

Юртимизда халқимиз ўзгача хуш кайфиятда нишонлайдиган байрамлар кўп. Шундай миллий байрамларимиздан бири - Наврўздир.

Наврўз байрами нафақат ўзбек халқи, балки бутун шарқ халқларининг қадимий ва анъанавий байрами бўлиб узоқ тарихга эга.

Наврўз байрами ҳақида тарихий манбаларда турлича маълумотлар келтирилган. Наврўз - форсча «янги кун» деган маънони билдиради. Шамсия (куёш) йил ҳисобида йилнинг биринчи кунини ҳисобланади. Баҳорий тенг кунлик 21-22 март санаси, қуёшнинг ҳамал буржига кириш даврига тўғри келади. Наврўз байрами деҳқончилик ишларини бошлаш байрами ҳам ҳисобланган. Айнан шу кунини яхши ният билан ерга бугдой сеппилган, шунингдек, турли халқ сайлари уюштирилган. Янги унган кўкатлардан ҳалим, сумалак, кўксомсалар тайёрланган. Айниқса, байрам нишонланишидан бир ҳафта олдин бугдой кўкартириб, янги майсадан сумалак тайёрлаш жуда серзавқ бўлган. Сумалак тайёр бўлганда қозон юзиде кўринган шакл бир яхшиликка нишона деб ишонилган.

Байрамни нишонлаш тарихий манбаларда келтирилишича, Аҳмонийлар давридан бери мавжуд. IX-X асрга келиб Мовароуннаҳр араб халифалигидан озод булганидан сўнг байрамни нишонлаш расмий түс олган. Абулқосим Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома» асарида қадимги паҳлавий тилида яратилган манбаларга асосланиб байрамни пайдо бўлиш тарихини афсонавий шоҳ Жамшид номи билан боғлайди.

Бундан ташқари Наврўз ҳақида Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Умар Хайёмнинг «Наврўзнама», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луготит турк» асарларида маълумотлар учрайди.

Ўрта Осиёлик тарихчи олим Абу Баур ал-Наршахий «Бухоро тарихи» асарида Наврўз кунини Сиёвуш қабри бошида одамлар хўроз сўйиб маърақа қилганлари ва бу байрам 3000 йилдан ортиқ тарихга эга эканлигини эътади.

Ҳаким ат-Термизийнинг «Наврўзнама» асарида шундай маълумот учрайди: «Агар Наврўз душанба кунини тўғри келса, ўша йили тўкин-сочинлик бўлади. Йил бошида қор ва ёмғир кўп ёғади. Халқнинг ҳаёти яхшиланади. Бугдой яхши бўлади. Кунжут ва тарик ҳосили ўртача бўлади. Экинлар, жумладан, баъзи полз экинлари яхши бўлади. Йил жуда баракотли бўлади».

Ватанимизнинг мустақилликка эришуви том маънода миллий қадрият, анъаналарга бўлган ҳурмат ва садоқат руҳини қайта тиклади. Бу фикримизнинг исботини Наврўз байрамининг катта тантана билан нишонланиши «21 март - Наврўз умумхалқ байрами» сифатида дам олиш кунини деб эълон қилиниши мисолида кўришимиз мумкин.

Бу йил ҳам Наврўз халқимиз томонидан юқори кўтаринкилик билан кутиб олинмоқда. Эътибор берган бўлсангиз, бу йил Наврўз байрами душанба кунини тўғри келади. Буюк муҳаддис бобомиз Ҳаким ат-Термизий берган маълумотларга таянсақ, бу йил халқимиз учун баракотли йил бўлишидан дарак.

Тинчлик ва осудалик ҳукм сураётган мусаффо осмонимизда Наврўз шуқуҳи кезиб юрган шу паллада барча юртдошларимизни муқаддас байрам билан муборакбод этамиз.

Нигора Ҳасанова, Мусиқий таълим йўналиши талабаси.

